



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
10 январь
ЧОРШАНБА

№ 3
(11.910)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади



ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Мамлакат равнақи, тараққиёти — шу юрда яшаб келаётган миллатлар ва элатларнинг фарзандлари дўст-иноқ яшашига, баҳамжихатлигига, бирдамлигига боғлиқ. Бу — тарихий ҳақиқат. Уни инкор этиш, миллий маҳдудлик, миллатлараро нотинчлик қандай асоратларга олиб келганлигини тасдиқловчи мисоллар кўп. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳам бунини тасдиқламакда.

Шунинг учун ҳам мустақилликка эришилгач, давлатимиз раҳбари Ўзбекистонни бу ўлкада яшовчи ҳар

бир миллат ва элат вакиллари билан умумий уйи, ягона ва муқаддас Ватан деб эълон қилди. Миллатлараро баҳамжихатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш жамият тараққиётининг устивор йўналишига айланди. Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқаролар ташкил этиши ва айна шу халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиб хизмат қилиши мамлакатимиз Бош қомусида белгиланган бўлиб келди.

Бугун мамлакатимизда 136 миллат ва элат вакиллари яшамокда,

ўз куч-ғайрати, истеъдоди ва бутун салоҳиятини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар муваффақиятини таъминлашга бағишламокда. Мустақил Ўзбекистон улар учун умумий маконга, ягона Ватанга айланди. Унинг мустақиллигини ардоқлаш, иқтисодини ривожлантириш, турмушини фаровон қилиш — барча миллат ва элат фарзандларининг ягона орзу-иштиёқи, мақсади бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Хотин-қизлар жамиятда давом этаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишларда тобора фаол иштирок этишаётир. Бугун улар орасидан донгдор пахтакор ва ғаллакорлар, ғайратли тadbиркорлар, корхона ва ҳўжалик раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг етакчилари кўпайиб етишиб чиқмокда. Касаначилик ҳаракати аёлларни, айниқса, уй бекаларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига кенгрок жалб этиш имконини берди.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида ўтган хотин-қизлар кўмиталарининг кенгайтирилган ҳисобот йиғилишларида ана шу имконлардан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар кенг муҳокама қилинди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, фаоллар ва бошқа жамоат ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари раҳбарлари иштирок этишди.

Президент Фармонида кўзда тутилган чора-тадбирларни бажаришга қаратилган

ишлар таҳлил қилиниб, асосий эътибор йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизлар учун янги иш жойларини барпо этиш, маънавий-ахлоқий тарбия билан изчил шуғулланиш масалаларига қаратилди. Таъкидландики, барча бўйинларда хотин-қизлар кўмиталарининг фаолиятини кескин жонлантириш, унинг самарадорлигини ошириш белгиланган дастурлар муваффақиятли бажарилишида хал қилувчи ўрин тутаяди.

Йиғилишларда хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини кўчайтиришнинг 2007 йилга мўлжалланган асосий вазифалари қамраб олинган қарорлар қабул қилинди.

Жўрабек МУРДОВ.

ГУЗАР ИШГА ТУШСА

Истиклол шарофати билан жойларда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилувчи замонавий иншоотлар бунёд этилмокда. Бўка туманида ҳам ана шундай янги хизмат шохобчалари, коллеж ва мактаблар кўпаймокда.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида эришилаётган ютуқлар табиийки, тумanning ижтимоий-иқтисодий ривожланишига замин яратаяпти.

Ўтган йилда туман марказида 720 қўвучига мўлжалланган агроканот коллежи фойдаланишга топширилди. Ўқув биносига қўшимча қишқик ёпиқ спорт зали қурилди. Бугунги кунда коллежда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига йўналтирилган 7 та муҳтасаслик бўйича ёшларга таълим берилмокда.

Туманда бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшаётган, шу билан бирга ўз фаолияти

тини ривожлантираётган тadbиркорлар кўп. Масалан, тadbиркор Рустам Ёкубов ўз маблагини ҳисобидан 200 ўринга мўлжалланган «Осиё» ўрнига қўвучига гузар типлида қурилган бинонинг биринчи қаватида келажакда маданий-маиший жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи мини-маркет, шунингдек, келин-куёвлар учун мўлжалланган тўй либослари ҳамда гузаллик салони фаолият юритади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.



ТЕХНИКАСИ БОР ДЕҲҚОН ТОЛИҚМАЙДИ

Қишлоқ ҳўжалигида айни қиш мавсумида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар талайгина. Бинобарин, қиш — бекорчилик эмас. Аксинча, ҳақиқий деҳқон учун у аслида иш фасли. Чунки, бошланжақ мавсумга пухта тadbиркор кўриш, режа ва марраларни белгилаш, ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиш айни шу чоғдаги вазифадир.

Хозир ана бир муҳим тadbир борки, бунга зинҳор панжа орасидан қараб бўлмайди. Бу ҳеч шўбҳасиз, техникани жорий таъмирлаш ва мавсумга мукамал тайёрлашдан иборатдир. Техника воситаларининг мавсумда бир маромада, юксак унум ва сифат билан ишлаши, айни иш қизгин пайтда панд бермаслиги учун уни бир сидра назоратдан ўтказиш, сошлаш, яроқсиз қисмларини янгисига алмаштириш талаб этилади.

Бу кечиктириб бўлмас вазифа ижросига вилоятимизнинг қатор туманларида барвақт киришилди. Аксарият ҳўжаликлар аллақачон ўз техникаларини сифатли таъмирдан чиқариб, ёпиқ бос-турмаларга териб қўйдилар. Бекобод, Бўка, Чиноз, Куйичирчиқ, Қибрай, Тошкент каби туманларда бу ишлар уюшқоқлик билан олиб борилапти. Бу йилги мавсумда иштирок этадиган барча агротехник ускуна ва механизмлар машина-трактор

парклари ҳамда муқобил МТП устаконаларининг ўзига, марказлашган ҳолда таъмирланапти. Тайёр холга келган техникалар жойларда тузилган махсус комиссия аъзолари иштирокида ана бир бор қўриқдан ўтказилиб, қабул қилинапти.

Ўтган мавсум қатор туманларда ҳосил йиғим-терими, шўдгорлаш ва кузги дон экиш юмушлари қатъий график асосида, ўз вақтида бажариладиган техникаларнинг жорий таъмирлашга барвақт киришиш имконини берди, — дейди вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари қотибятии мудири Тўлқин Тўраев. — Таъмирлаш ишларини узлуқсиз олиб бориш ва зарур эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун жами 2,1 мил-

лиард сўм маблаг йўналтирилди. Хозирга келиб мавжуд 2668 та ҳайдов ва чопиқ тракторлари, 918 та чигит экиш саякалари таъмирлаб бўлинди. Шунингдек, бошқа қатор агротехник ускуна ва механизмлар, ўрим агрегатларини созлашни ҳам қисқа фурсатда ниҳонлаш кўзда тутилган.

Деҳқоннинг чинакам таянчи бўлган техника таъминоти ҳақида гап бораганда, ўтган йили вилоятимиз ҳўжаликларининг техник базасини мустаҳкамлашда қатта қадам ташланганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2006 йилда 50 та ҳайдов, 127 та чопиқ, 28 та транспорт тракторлари, 178 та тиркамалар, 72 та чигит экиш саякалари, 187 та культиватор, 178 та омон, 1194 та борона ҳамда 24 та

Тadbиркор

ғалла ўриш комбайнлари харид қилиниб, деҳқонлар хизматига берилди. Бу ўтган йил деҳқончилигидаги юксак самарадорлик ва муваффақиятларнинг муносиб омили бўлди, десак хато қилмаймиз.

Бу йил ҳам вилоятимиз қишлоқ ҳўжалик корхоналари, хусусан, фермер ҳўжаликлари эҳтиёжи ва талабидан келиб чиқиб, 10,6 миллиард сўмлик янги техника воситалари харид қилиш режалаштирилган. Жумладан, 172 та турли русум ва классдаги тракторлар, 400 та тиркама, 62 та чигит ва дон экиш саякалари, 40 та ғалла ўриш комбайни, юзлаб бошқа зарур ускуналар мавжуд техникалар қаторига қўшилиди. Бир қатор ташкилот ва компаниялар билан техникалар хариди юзасидан тегишли шартномалар тузилиб, молиялаштириш ишлари олиб борилапти. Уларнинг дастлабкилари ҳозирнинг ўзидаёқ биринкетин вилоятимизга келтириляпти.

Дарҳақиқат, техникаси етарли бўлган деҳқон асло толиқмайди, вақтдан ҳам, сарф-харажатдан ҳам ютади. Энг муҳими, ишда унум, ҳосилда барака бўлади. Ўтган йиллар илғорликка эришган кўплай ширкат ва фермер ҳўжаликлари тажрибаси бунинг ақол исботидир.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

КўЗНАРДА КЎВОНЧ ЧАҚНАР

«Қамолот»нинг Янги йил туҳфаси» шиори остидаги байрам тadbирлари давом этмокда. Уларни «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий кенгашлари ташкил этаётир.

Янгийўл тумани кенгаши томонидан «Дамас» автомобили безатилиб, «Маҳалла» жағғармаси билан ҳамкорликда ўнта қишлоқда яшовчи кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, ногиронлар ҳамда ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди. Уларга Қорбобо ва Қорқиз совға-саломлар улашишди. Юқоричирчиқ туманида ҳам болаликдан ногирон ёшлар хонадонига ташриф буюриб, Янги йил совғалари топширилди.

Шунингдек, «Қамолот» Чирчиқ шаҳридаги ақли заиф болалар махсус мактаби тарбияланувчиларини ҳам табриқлади. Қорбобо билан Қорқиз болаларни совға-саломлар билан ҳушнуд этишди. Бу каби тadbирлар бошқа туман ва шаҳарларда ҳам давом этмокда.

Азиза ҚЎРБОНОВА.

Диққат: банкдан ташқари айланмалар

Йўналишли такси салонида чиқиб, ўриндиққа жойлашиб улгурмай, ҳайдовчининг амирона овози янграйди:

— Йўл ҳақини тез-тез узатинглар. Ҳамма тўламагунча жойимдан қилмайман...

Пулни йиғиштириб олгач, моторни ўт олдира бошлаган ҳайдовчидан сўраймиз:

— Чипта бермадингиз-ку, ука. Ҳайдовчи рўпарасидаги мўҳжаз кўзгуда кўриниб турган икки кўзини бизга тикиб, гудранади: — Бу сизга давлат автобусими?!



Таниш манзара, шундай эмасми? Вилоятимизнинг турли ҳудудларида ҳар куни неча бор шундай воқеага дуч келамиз. Лекин, одатда бунга бефарқ қараймиз. Ваҳоланки, шу лоқайдлигимиз тўғрисида, «банкдан ташқари айланмалар» деб аталмиш ноқонуний фаолиятга йўл очиб бераётганимизга пар-

во қилмаймиз. Зеро, ҳаммамизга яхши маълум, йўналишли таксиларнинг бири бирор бир юридик шахс тасарруфиди. Демак, кун бўйи ишлаб топган пулни ҳисобхонага топшириши шарт. У эса ўз навабатида, бор маблагини банкка элтиши лозим. Аслида эса, вазифа чипта берилмаган бехисоб пул-

лар ҳеч қаерда расман қайд этилмайди, демакки банкка ҳам топширилмайди, бу даромаддан солиқ ҳам тўланмайди ва ҳоказо. Аслини олганда бу молиявий жиноят. Унга йўл қўймаслик учун қандай ишлар амалга оширилмокда?

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Бундан 15 йил илгари Ўзбекистонда Республика байрамлари маданият маркази ташкил этилган эди. Утган муддат миллатлараро муносабатларни мутасил такомиллаштириб бориш, турли миллат ва элатларнинг маданий мероси, тили ва урф-одатларини сақлаб қолиш ҳамда умуминсоний қадриятлар билан бойитиш, бағрикенглик тамойилларини намоён этиш йиллари бўлди.

Вилоятимизда ташкил этилган миллий маданият марказлари ҳам тўлақонли, қизгин иш олиб бораётирлар. Халқ бай-

(Давоми. Боши 1-бетда).

рамларини нишонлаш, турли учрашувлар, фестиваллар, кўрик-танловлар ўтказиш, ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини сақлаб қолишга қаратилган бошқа тадбирлар халқларимизнинг маънавий тарбиясини қучайтирувчи таъсирчан аънава бўлиб қолди.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини, ҳуқуқий, демократик давлатни барпо этиш йўлидан оғишмай бораёпти. «Биз қураётган жамият, – деб таъкидлайди Юртбошимиз, – чинакам инсонпарварлик жамияти бўлади. Токи бу юртда яшовчи ҳар бир киши, миллати, ирки, диний мансублиги ва эътиқоди-

дан қатъи назар, ҳаёт ва ўз меҳнати неъматларидан тўла баҳраманд бўлсин, мустақиллик берган имкониятлардан тенг ва эркин фойдалана олсин. Ана шунда «Мен озод ва обод Ўзбекистоннинг эркин фуқаросиман!» деган шиор кўнгиллар тўрига жо бўлиб, ўзликни англаш мезонига айланади. Ҳар бир фуқарони мамлакат равангига кўзлаб яшаши чорловчи яхлит, бузилмас, қудратли куч бўлиб қолади».

Бундай жамият қора кўчларнинг ҳар қандай хуружларини бартараф этиб, ўзи белгилаб олган йўлдан қўзлаган мақсади сари ҳеч оғишмай бораверади.

Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз деб, айнан шундай тушунча билан бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини қатъият билан давом эттирсак – ҳеч шубҳасиз, марра бизники – Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни албатта қураимиз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта етамиз.

Ислон КАРИМОВ.

БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги каби миллатлараро муносабатларда ҳам туб ўзгаришлар ясади. Бу республикаимизда яшовчи халқлар ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

Мана 15 йилдирки, ўзбек-туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарликнинг мустаҳкамланишига туркман миллий маданият маркази фаоллари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Улар марказ теварағида барча жамоат ташкилотлари сингари бир-бирларини яхши тушушган ҳолда аҳиллик билан ишламоқдалар. Маънавият ва маърифат тушунчаларининг ҳам миллий, ҳам умумбашарий қадриятлар сифатидаги моҳиятини ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Миллий марказимиз мустақиллик гоёларини халқимиз онгига синдириш, маънавий меросининг иқтимоий ҳаётдаги ўрни, аждодларимизнинг миллий ва аънавий тараққиётига қўшган ҳиссаларини тарғиб қилиш ҳамда миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашни асосий мақсад деб билади. Қолаверса, миллий урф-одатларимизни қайта тиклаш ва навқирон авлодларга қардошлиқ, меҳр-оқибат туйғуларини синдириш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидандир.

Узоқ йиллар давомида Бўка ва Оққўрғон туманларида оддий ишчилардан хўжалик раҳбаригача бўлган йўлни босиб ўтиб, меҳнатда

тобланим ва ўз бахтимни топдим. Олти ўғил, саккиз қизим бор, 51 набаира ва 4 нафар чевараларим атрофимда парвона. Уларнинг шўх-шодон кулгулари хашиша дилларга қувонч улашади. Фарзандларимнинг бари ўқимшли, ўқитувчи, шифокор, механикатор ва бошқа касбларда эл-юрт хизматига қамарбасталар.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида кечаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида биз ҳам ўз бахтимизни синаб кўрдик. Утган 2006 йил 22,6 гектар ерга пахта экиб, 35 центнердан ҳосил олишга эришдик. Даромад ҳам шунга яраша.

Республика байналмилал маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллиги арафасида турибмиз. Бугунги кунда туманимизда 7,5 мингдан зиёд туркман аҳил-инок яшаб келмоқда. Шунга аминманки, кўп миллатли бу кўна ва инсонпарвар юрт ўзаро қардошлиқ, ҳамдўстликнинг узилмас ришталари самараси ўлароқ буюк мақсадлар сари дадил интилиб бораверади.

Жуманиёз АННАЕВ,

Оққўрғон тумани

Туркман маданият

маркази бошқаруви

раиси.

МИЛЛИЙ ТУЙҒУ – БАРҲАЁТ

Қўпмиллатли Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ҳар томонлама ривожланиб, халқаро майдонда ўз ўрни, нуфузига эга бўлган мамлакатлардан бирига айланиб бормоқда. Ана шундай салоҳиятли юртнинг озод фуқаролари қаторида эмин-эркин яшаётган корейс халқи номидан айтмоқчи бўлган фикрим: она-Ватанимиз, серкўёш Ўзбекистонимиз доғруғи бундан буён ҳам ортаверсин! Зеро, бу ўлкада туғилиб ўсган фарзандлар учун Ватан битта, Ватан ягона!

Шу Ватанимизнинг сўлим бир маскани, бизнинг навқирон Ангрен шаҳрида ҳам 3 мингдан зиёд корейс миллатига мансуб фуқаро яшайди. Уларнинг миллий маданияти, қадриятларини сақлаш, тиклаш мақсадида ташкил этилган корейс миллий маданият маркази дастур асосида турли тадбирлар уюштилади. Миллатимиз вакиллари давлат ва жамоат ишларида фаол қатнашиш билан бирга ўз она тилида ўқиш, миллий руҳдаги мусиқа ва рақс дастурида иштирок этиш, кутубхоналарда жамланган

корейс тилидаги нашрлардан, китоблардан фойдаланиш ҳуқуқига, имкониятига эга. Марказ фаолларидан Раиса Маринчук директорлик қилаётган 21-умумтаълим мактабида корейс тилини ўрганиш бўйича тўғрақ фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда Конституцияимизда белгилаб қўйилган эътиқод эркинлиги ҳақида ҳам айтиб ўтмоқчи эдим. Корейс халқи удумлари, маросимларини амалга оширувчи уюшманинг мавжудлиги, унда 80 нафар азёо фаолият юритаётганлигининг ўзи Ўзбекистонда ҳар бир миллат вакиллари

га бўлган ҳурмат, эътиборни кўрсатади.

Бизнинг қадимий ой тақвимида кўра Янги йил февраль ойининг ўрталарида нишонланади. Ҳозир марказимиз анча-шў байрамни ҳам муносиб қутиб олиш тарафидида. Фурсатдан фойдаланиб, марказ фаолларидан Михаил Пан, Александр Тен, Давид Кан, Реватик Цойнинг марказимиз фаолиятини бойитишга қўшаётган ҳиссаларини алоҳида таъкидламоқчиман. Инсон ҳуқуқлари қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган қўпмиллатли Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги учун барчамиз масъулмиз. Бундан манфаатдор эканлигимизни унутмаслигимиз, эзгу ишларни давом эттиришдан иборат бурчимизни доимо ҳис этиб яшамогимиз лозим.

Юрий ЮГАЙ,
Ангрен шаҳар Корейс
маданият маркази
бошқаруви раиси.



ДАДИЛ УНАЁТГАН НИҲОЛЛАР

Ҳар йили, Мустақиллик кўни шодиёналарида иштирок этар эканмиз, гўё қайтадан туғилгандек ҳис этишимиз. Айнан, ўша 1991 йилда ташкил топиб, ўз муҳлисларига эга бўлган бизнинг «Шанс» шоу-балет гуруҳида турли миллат вакиллари – ўзбек, татар, тожик, рус қизлари рақс сирларини ўрганишади.

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз маданияти, санъати бор. Гуруҳ қизлари ижро этган халқ рақсларида ана шу миллий руҳ яққол сезилиб туради. Ҳар бир миллат санъатига бўлган чўқур ҳурмат, эҳтиром туфайли гўзал, жозибали, шўхчан рақсларни қамраб олган концерт дастурларимиз томошабинлар томонидан оқшолар билан қутиб олинади.

«Шанс» шоу-балет дастаси жамоасига «Халқ ансамбли» унвони берилганлиги ҳам Ўзбекистонимизда миллатлараро дўстлик тамойилларига чўқур ҳурмат-эътибор кўрсатилаётганлигидан далолат. Бу номни оқлаш учун янги репертуарлар асосида концертлар намоиш этиб тураемиз.


Айниқса, қизларимиз ўзбек халқининг «Тановар», «Андижон полкиси», татар халқининг «Хайтарма» халқ рақсларини маҳорат, иштиёқ, шавқ-заъқ билан ижро этганларида томошабинлар гулдўрос қарсақлар билан кутиб олишади. «Шанс» дастаси ўзбек, татар, тожик озарбайжон хонадонла-

ридаги тўйларнинг доимий меҳмони, иштирокчиси эканлигини гуруҳ билан айтмоқчиман. Шу ўринда раққосалар учун миллий либосларни дид билан танлаб, тикиб бераётган кўли гул инсон, «Шанс» халқ ансамблининг директори Юрий Петелиннинг номини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мустақил диёримизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари аҳил-тоғу, уларнинг орзу-умидлари, интилишлари бир, мақсадлари муштарак. Шунинг учун Ватанимиз келажаги порлоқ, толеи баланд.

Дастамизнинг давомчилари, жажжи қизалоқлардан ташкил топган гуруҳимизни эса «Ангрен юдузлари» деб атаганмиз. Унда ҳам турли миллат вакиллари фарзандлари биргаликда, ҳамжиҳатликда рақс сирларини ўрганишмоқда. Уларни бизнинг келажагимиз, Ватанимиз халқ санъатининг бўлажақ юлдузлари деб атагим келадди.

Рустем РАМАЗАН,
«Шанс» шоу-балет халқ ансамблининг рақс устаси.



Ўзбекистон – асрлар мобайнида турли маданиятлар, миллий аънавалар уйғунлашган табарук замин бўлиб келган.

Хусусан, ҳозир ҳам миллатлараро тотувлик, ўзаро баҳамжихатликда юрт равнаки намоён бўлмоқда. Бугунги кунда Чиноз ва Янгийўл туманларида татар миллатига мансуб беш минг нафарга яқин киши яшайди. Улар ягона мақсад сари интилиб, қардош халқлар даврасида аҳил-инок турмуш кечирмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: миллий маданият маркази бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолиятини давомлатиш.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК НЕЪМАТИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тинчлик ва озоишталликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик ва баҳамжихатлик асосида ривожланиб бормоқда. Бугунги Ўзбекистон кўп миллатли, яхлит ва ягона бир оила. Рус ҳам, украину қозоқ ҳам, арману озар ҳам – барча миллат фарзандлари бу қўшми ўлкада ўзларини эмин-эркин ҳис қилиб яшамоқдалар.

Мустақиллик ҳар бир миллат фарзандларига ўз тарихий Ватанидан узоқда ўз тили, миллий аънавалари, урф-одатларини эъзозлаш, ёш авлодни ўз халқининг бой тарихий ва маданий мероси, улуғ аждодларнинг намунаси асосида қамолга етказиш имконини берди.

Ўзбек халқининг бағрикенглик фазилати, ўлкамизда чўқур илдиш отган дўстлик ва қардошлиқ туйғуларини ҳар бир миллат ва элатнинг миллий маданиятига ҳурмат-эътибор муҳитини қарор топтиришда асосий омил бўлмоқда. Натижада миллатлараро мулоқот-муносабат жонли тус олиб бораёпти, у ёки бу халқнинг маданияти билан яқиндан танишиш, замонавий маданий-маънавий тамойилларни ҳаётга чўқур синдириш имконияти турли тобора кенгайиб бормоқда.

Янгийўл шаҳрида рус маданият маркази барпо этилганига энди беш йил тўлаёпти. Рус тили, маданияти, урф-одатлари ва аънаваларини сақлаб, янги даврга мос равишда бойитиб, ривожлантириб боришга қўмақлашиш иштиёқида бўлган аҳоли турли қатламларнинг вакиллари бу нодавлат, нотижорат жамоат ташкилотига асос солишди. Унинг бошқарувида киритилган Б. Ивановский, Е. Емелин, П. Козирев, А. Хохлова, М. Копиловлар ва бошқа фаолларимиз дастлабки кундан бошлаб маданий-маърифий ишларни ниҳоятда изчил тус олдира бормоқда. Асосий эътибор мактабларни дарсқиллар ва ўқув-ўқувчи қўлампалар билан таъминлашга қаратилди. Бу борада «Ўзбекистон Россия» дўстлик жамияти, Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ва «Росза-

ни қучайтираёпти. Улар бой рус маданияти, миллий аънаваларини тарғиб қилиш, ёшларни тарих, халқимизнинг асл фарзандлари ҳаёти ва фаолияти билан кенроқ таништириш учун тинмай изланаётирлар. Шу тариха янгийўлликларнинг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки «ҳақиқатда асар юзага келди ва у Галабанин 60 йиллиги арафасида нашр қилинди.

Ҳозирги пайтда марказимиз аҳолининг тобора кенг қатламларини ўз фаолиятига жалб қилиш режаси билан ишламоқда. Шаҳарда рус миллий маданияти музейини ташкил этиш, рус қўшқилари ва рақс ҳамда рус чолғу асбоблари ансамблиларини тузиш ниятидамиз. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларига, Тошкент театrlарига маданий-маърифий сафарлар уюштираямиз.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқ ва маърузаларида Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш иштиғи мамлакатимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат фарзандлари муносиб ҳисса қўшаётганлигини ҳамиса алоҳида таъкидлаётган. Зеро, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки кунлардан қўп миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада бу қўшми диёрда яшовчи ҳар бир миллат ва элат мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг фойл иштирокчисига айланади. Йил сайин қуч-қувватга тўлиб, янгиланиб, ривожланиб бораётган бу мамлакатимизда жонанон Ўзбекистонимиз бу ўлкада яшовчи барча халқларнинг умумий ва ардоқли уйига айланди.

Наталья КОЖОХИНА,
Янгийўл шаҳар Рус маданият маркази бошқаруви раиси.



Очиғи, бу гаплар бизни қизиқтириб қолди. Исм-шарифи ҳам қизиқшимизни қучайтирди. Эл севган оқсоқол билан учрашиб, суҳбатлашиб мақсадида қишлоққа йўл олдик.

Маҳалламизда икки мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 50 фоизи турли миллат вакиллари, – дейди Валерий Шулёмистер соф ўзбек тилида. – Қишлоғимизда руслар ва қозоқлар, татарлар ва қирғизлар ёнма-ён, тинч-тўғу яшаётган. Мана, мени олинг: онам – немис, отам – ўзбек. Томиримда ўзбек қони жўшиб турибди. Тақдир тақдоси, онажоним истақлари билан немис буварларнинг фамилиясини бе-

ТАНИШИНГ, ОҚСОҚОЛ ШУЛЬМИСТЕР

Кўп йиллардан буён одамлар ишончига сазовор бўлиб келаётган оқсоқоллар ҳақида сўз бошлашни билан «Маҳалла» жамғармасининг Қиёрай тумани кенгашида Тузель қишлоқ фуқаролар йиғини худудидagi Товкенттепа маҳалласи раиси Валерий Шулёмистер номини тилга олишди. «Тадбиркор оқсоқоллардан, – дейишди, – «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» республика кўрик-танловининг ғолиби бўлган. Олтимиш ёшни қаралаб қолган бу тиниб-тинчимас инсон билан маҳалла аҳли фахрланади, «ўзимизнинг Хусан ака» деб эъзозлайди».

Валерий Шулёмистер «Мехнат инсонини улуғлайди» деган ўзбекча нақлни тез-тез қаторлаб туради. Асли қурувчилик касби туфайли эл назарига тушди. Кейинчалик ўз фермер хўжалигини ташкил этди. Ундаги фидойилик, жонқуярлик жамоани бошқаришда қўл келди. У мева-сабзавотчиликка иктисослашган фермер хўжалигинида келадиган даромадини халқ билан баҳам кўрди:

– Мустақиллик йилларида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида кўп гапирилади. Лўдасини айтганда, яхшини яхши дея олиш учун ҳам лаёқат, уқув керак. Ерга эғалик қилиш ҳуқуқи берилган ҳеч қимга сир эмас. Демак, бекор ўтирадиган пайтлар ўтиб кетди. Энди ишлаш керак. Хўжаликда мева, сабзавотдан ташқари, қурилиш учун энг зарур – тол, терак экиб қўйганман...

Маҳалладаги кам таъминланган оилалар раиснинг ғам-хўрлиги, эътиборини доимо ҳис этиб туришади. Яқинда беш-олтита кам таъминланган хонадон уй қуриб олиши учун ўзи эккан тераклардан 80-100 туپини ажратди.

– Ўз хўжалигида етиштирилган сабзавот маҳсулотларидан одамларга қишлоқ учун ажратиб берди, – дейди бу маҳаллада яшовчи Умирисно Қолдибоева. – Бешта хонадонга газ кириштиб, бепул ҳисоблагич ўрнатиб беришди...

– Нимисини айтасиз, яхши одамлар туфайли уларимиз иссиқ бўлиб қолди. Барака топишсин, – дейди Жулбарс Омаров.

Маҳалладаги маънавий муҳит, аввало, оқсоқол, қолаверса, ўзини ўзи бошқариш идораси ҳодимлари фаолиятига боғлиқ. Бу борада Валерий Шулёмистернинг ўз фикр-мулоҳазаси, ўш услуби бор. Вояга етмаганлар билан иш олиб боришда доимо милициянинг профилактика инспекторли билан ҳам-

корлик қилади. Биргаликда турли учрашувлар, кечалар уюштилади. Тарбияси оғир икки ўқувчи билан ўзи бевосита шугулланади.

– Маҳалламизда бекорчилар йўқ, – дейди гуруҳ билан Хусан ака. – Аксарият хонадонлар деҳқончилик билан шугулланади. Яқинда «Аэропорт-Тузель» маршрути бўйича автобус қатновчи йўлга қўйилишига эришдик. Қишлоғимиз аҳолиси учун барча шарт-шароитларни яратиш чораларини кўраёпти. Ҳаммаси ўз қўлимизда. Энг кераги – юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо...

Маҳалладаги маънавий муҳит, аввало, оқсоқол, қолаверса, ўзини ўзи бошқариш идораси ҳодимлари фаолиятига боғлиқ. Бу борада Валерий Шулёмистернинг ўз фикр-мулоҳазаси, ўш услуби бор. Вояга етмаганлар билан иш олиб боришда доимо милициянинг профилактика инспекторли билан ҳам-

корлик қилади. Биргаликда турли учрашувлар, кечалар уюштилади. Тарбияси оғир икки ўқувчи билан ўзи бевосита шугулланади.

– Маҳалламизда бекорчилар йўқ, – дейди гуруҳ билан Хусан ака. – Аксарият хонадонлар деҳқончилик билан шугулланади. Яқинда «Аэропорт-Тузель» маршрути бўйича автобус қатновчи йўлга қўйилишига эришдик. Қишлоғимиз аҳолиси учун барча шарт-шароитларни яратиш чораларини кўраёпти. Ҳаммаси ўз қўлимизда. Энг кераги – юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо...

Маҳалладаги маънавий муҳит, аввало, оқсоқол, қолаверса, ўзини ўзи бошқариш идораси ҳодимлари фаолиятига боғлиқ. Бу борада Валерий Шулёмистернинг ўз фикр-мулоҳазаси, ўш услуби бор. Вояга етмаганлар билан иш олиб боришда доимо милициянинг профилактика инспекторли билан ҳам-

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

- Ўзбекистонда 136 миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда.
- Бугун Ўзбекистонда 140 та миллий маданият маркази фаолият кўрсатаёпти.
- Мамлакат ўқув юртларида 35 миллатга мансуб профессор-

- ўқитувчилар янги авлод тарбияси билан шугулланаётир.
- Ўзбекистон олий ўқув юртларида 53 миллат фарзандлари билим олапти.
- Театр ва бошқа бадий-ижодий уюшмаларда 20 га яқин турли

миллат ва элат вакиллари ўз ижрочилик салоҳиятларини намоиш этмоқда.

- Мамлакатимизда деярли ҳар учинчи номдаги газета, ҳар иккинчи номдаги журнал турли миллий тилларда чоп этилмоқда.

ҲАМЁНЛАР КИМНИНГ ҲИСОБИГА ҚАПЛАЙМОҚДА?

— Бу масалалар моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида, вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режага мувофиқ жойларда ўтган йил март-апрель ойларида 37 мартаба минтакавий семинар-йиғилишлар ўтказилди, — дейишди бизга вилоят Давлат солиқ бошқармасида. — Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг 2005 йил 3 майдаги 142-, 85-, 58-сонли қўшма буйруқларига асосан тегишли органлар билан ҳамкорликда тузилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи тадбиркорлар фаолияти юзасидан доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режага асосан ички ишлар ва солиқ органлари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд текширувлари давомида 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига 4500 та транспорт воситалари текширилган ва 981 та ҳолатда ҳуқуқбузарлик аниқланган. Ҳуқуқбузарларга нисбатан 53389,0 минг сўм миқдорида маъмурий ва 9960,8 минг сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилган. Аниқланган 29 та ҳуқуқбузарга нисбатан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора қўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилган ва улардан 9 тасига нисбатан жиноий ишлар қўзғатилган.

Бундан ташқари Ўртачирчиқ, Қибрай, Бўстонлик, Қуйиқирчиқ, Янгийўл туманлари ҳамда Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ҳудудида аҳолига шахсий ва ижарага олинган автотранспортда пуллик хизмат кўрсатаётган, шунингдек, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш, тегишли чоралар қўриш мақсадида рейд текширувлари ўтказилди.

Рейдлар натижасида «Автолайн», «Давр транс хизмати», «Давр транс сервис», «Оқ йўл», «Дилшод транс хизмати», «Фаррух транс», «Хуршида Сайёра», «Зийрак автомобилчи»,

(Давоми. Боши 1-бетда).

Суд ислоҳоти

ҲАҚ ЖОЙИДА ҚАРОР ТОПАДИ

Зангиота туманидаги 30-умумтаълим мактаби директорлигига 2005 йилнинг бошларида Нигора Холжўаева тайинланди-ю, баъзи ўқитувчилар билан маъмурият орасида келишмовчиликлар бошланди. Натижада янги раҳбар ўзига ёқмаган ўқитувчини ишдан четлатиб, бу ҳаёнда меҳнат қонунлари талабларини бузди.

У 12 йилдан буён бошланғич таълим ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётган Малохат Юсуфжўаевани қонун талабларини бузган ҳолда ишдан бўшатди. Раҳбар унга на буйруқ нусхасини ва на меҳнат дафтрасини берган, на тегишли ҳисоб-китоб қилган.


Табиийки, Малохат Юсуфжўаева ишга тиклаш, мажбурий бекор юрганлик учун иш ҳақини ва етказилган маънавий зарарни ундириб беришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига мурожаат қилди. Ишни қўриб чиқиш ҳараёнда мактаб раҳбари томонидан бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, суд даъвогарнинг қонуний талабларини қондириш — Малохат Юсуфжўаевани бошланғич синф ўқитувчиси вазифасига тиклаш, мажбурий бекор юрган вақтлари учун Зангиота халқ таълими бўлимидан ҳар ойлик иш ҳақини ундириш ва етказилган маънавий зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати жавобгар — 30-мактаб директорининг апелляция шикоятини қўриб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш қолдирди, директорининг апелляция

«Хизмат-беминнат», «Равек сервис», «Зуфар сервис», «ЧАТС», «Шахс такси транс», «Плюс нури оқшом», «Нури оқшом», «Маданий хизмат», «Оқ тулпор», «Таксопарк теххизмат», «Нобб», «Оқ йўл автотранс», «Хилол сервис», «Бизнес авто сервис», «Пойтахт автотранс», «Муҳиддин баликчи», «Бизнес плюс омад», «Оққўрғон АТС», «Автотеххизмат», «Автомобилчи-S», «Форд авто транс», «Хамкор сервис» ҳужжали субъектларига қарашли йўловчи ташувчи транспорт воситалари ўрғанилганда, йўловчи ташувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўловчиларга чипта умуман берилмаётганлиги ва баъзи ҳайдовчиларда чипталар йўқлиги маълум бўлди. Ушбу уюшмалардаги камчиликлар юзасидан режадан ташқари қисқа муддатли текширишга буюртмалар берилди.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2006 йил 18 августдаги 1-4-1767-сонли хатига қўра, «Автолайн», «Давр транс хизмати», «Давр транс сервис», «Оқ йўл», «Дилшод транс хизмат», «Хуршида Сайёра», «Фаррух транс» уюшмаларига, 2006 йил 21 октябрдаги 1-4-2220-сонли хатига биноан «Хизмат-беминнат», «Тўрабек-сервис», «ЧАТС», «Шахс такси транс», «Плюс нури оқшом», «Нури оқшом», «Маданий хизмат», «Нобб», «Оқ тулпор» уюшмаларига, 2006 йил 15 ноябрдаги 1-4-2379-сонли хати бўйича «Хилол сервис», «Бизнес автосервис», «Муҳиддин баликчи», «Оққўрғон АТС», «Оқ йўл», «Автотеххизмат» уюшмаларида режадан ташқари қисқа муддатли текширишларга рухсат берилди.

ТАҲРИРИЯТДАН: йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланувчи корхона ва фирмаларнинг режа асосида текширилиб, қонуний хатти-ҳаракатлари учун жарима ундирилаётгани ахшиқ-я, лекин, қандаш ташқари айланималарга билиб туриб йўл қўйётганларга қажшатиқ зарба бериш, бундай бебошлиқлар пайини қирқиш учун жиддийроқ чоралар қўллаш, керак бўлса, уларнинг лицензияларини, тендер шартномаларини бекор қилиш вақти келмадимики? Биз ушбу масалага у ёки бу маънода алоқадор идоралардан, хусусан, вилоят прокуратураси, вилоят Адлия бошқармаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, «Тошвиллар» ҳудудий уюшмаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг вилоят бўлими, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлардан юқоридаги мулоҳазаларга билдиришларга муносабатни кутиб қоламиз.



мунга айланмоғи керак».

Бугунги кунда Конституциянинг 44-моддасига биноан ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланган. Қонуннинг бузилишига олиб келган барча хатти-ҳаракат, қарорлар ёки ваколатларнинг ошириб юборилиши ёхуд қимнингдир ҳуқуқларини поймол қилиш каби ҳоллар устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин.

Нафақат Конституцияда қафолатлаб қўйилган, шу билан бирга қонун ёки меҳнат шартномасида белгиланган ҳуқуқларнинг ҳимояси масаласида ҳам судга мурожаат қилиш мумкин. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини пухта билиши керак. Шунинг ҳисобига олиб, туманимиз суд-ҳуқуқ идоралари қишлоқ ва маҳалаларда қонунчилик асосларини тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига эътиборни кучайтирмоқдалар. Шу мақсадда суҳбатлар, учрашувлар, савол-жавоб кечалари ташкил этилаётди.

Дилмурод НИШОНБОВЕВ, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди судьяси.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини, айниқса, иккиламчи бозорини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилляпти.

ВИЛОЯТИМИЗ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бир қатор ижобий ишларни амалга оширляпти. Жумладан, ҳар йили марказ томонидан қимматли қоғозлар бозорининг энг фаол иштирокчилари эълон қилиниб, тақдирланыди.

Пойтахтимизда шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда бозорнинг маънавий мутахассислари, эмитентлар ҳамда давлат идора ва ташкилотлари, вазирликлар масъул ходимлари иштирок этди. Танловда 12 номинатсия бўйича ғолиблар аниқланди. Жумладан, марказнинг қимматли қоғозлар ягона давлат реестрини юритиш бошқармаси энг яхши бошқарма деб топилди.

Танловда энг яхши минтакавий бошқарма номига Тошкент вилояти сазовор бўлди.

Ў.А.

Шунақайлар бор бўлсин

Дунёда инсон борки, яхши амаллар, ширин орзулар оғушида яшайди. Аввало, фарзанд қамолтини, меҳнатининг нёъматини кўришни истаиди. Ўзидан яхши ном қолдириш учун елиб-югуради. Аммо бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Етти ўғил, уч қизни воёга етказган, қамишзор туқайзорни боғу бўстонга айлантирган кекса педагог, миришкор дехқон, боғбон, 83 ёшли Тўрақул ота Омоновни эса қишлоқдошлари ана шундай пиру бадавлат, табарруқ инсон сифатида эъзозлаб, «ота» дея улуғлайдилар.

Вилоятимизнинг пахтачиликка ихтисослашган туманларидан бири Бўқада Қашқадарё қишлоғи бор. Бу серфайз қишлоқнинг гектар-гектар боғ-роғлари, бепоев пахтазорлари хонадонлардаги қатор мевали дарахтлар, серҳосил тоқ ишқомлари кўзни қамаштиради. Дид билан, ҳафсала билан қурилган уйлар, саранжом-сарилла ховлиларни яна-тиб, дала меҳнатиди чиникиб, мўл-кўл пахта ҳосили етиштиряётган қишлоқ аҳолиси Тўрақул ота Омоновнинг фарзандлари, набираларидан ташкил топган десак муболага бўлмас.

Қишлоқ марказида бир туп чинор, унинг тағида қайнаб турган бўлоқ бор. Унинг ёнғинасида Тўрақул бобонинг ўз қўли билан қурган уйи, ашанаган боғ-роғи, марвариддек товланиб, шарбат боғлаб турган узумларини кўз-кўз қилаётган тоқзорлари ўтган кетганини ўзига чорлаб туради. Бу серфайз хонадон соҳибининг эрталабдан то шомгача етти ўғил, етти пахлавоннинг ташрифи билан, уларга бераётган маслаҳатлари, кўрсатаётган шахсий ибрати билан ҳам кўнгли равшан, бели бақувват, руҳи тетик. Айниқса, бири-биридан ёқимли, меҳнаткаш, меҳр-оқибати неваралари даврасида яна ҳам яшариб кетгандек бўлади отахон. Шундай кезларда ўтмишдаги воқеалар кўз олдида худди кино тасмасидек ўтаверади...

Тўрақул бу томонларга ўтган асрнинг 40-йилларида келиб қолган. Ёш, ғайратли, энг муҳими чучук малакали педагог бошланғич синфларда ўқишни кенг йўлга қўйиб, халқ таълими тизимини ривожлантириш учун юборилган эди. У бийдай дала, шувиллаган қамишзор, тўқайзор оралаб ҳар кунни мактабга қатнаган экан, асли дехқон фарзанди эмасми, «нахотки, бу ерларни ўзлаштириш мумкин эмас?» деган фикр онгу шуурини чулғаб олганди. Уша кезлардаги Қашқадарё ва Сурхондарёнинг сувсизликдан ҳансираган қарқоқ қўлларини кўз олдида келтириб, бу ердаги сервис, иклими ошшоқ, тупроғи майий ерлар билан таққослаб, ўзича мушоҳада қилиб кўрди. Ҳа, бу унмдор, сервис ерларнинг қадрига етиш керак. Ўзгина ҳафсала, бироз жон қўйдириш қийф. Қарабсизки, қанча вақтлардан буён ҳувиллаб ётган бепоев ерлар экан майдонларига айланади. Ховли-жойлар кўпайиб, тоқзор мевали дарахтларга бурканади, одамларнинг рўзғорига барирақ, турмушига файз қиради.


Шуларни ўйлар экан, эғилиб, қўлига бир сиқим тупроқ олди. Қорамтир, уқаланиши майин, худди қумга ўхшайди. Демак, бу ерлар қачонлардир тўлиб-тошган дарёи азим қаъридаги ер бўлса, ажаб эмас. Лекин тўқайзорни ўзлаштириш, қамишзорларни йўқотишнинг ўзи бўлмайди. Демак, ишни мевали дарахтлар экиш, уларни аста-секин кўпайтириб боришдан бошлаган маъқул.

Дастлабки йилларда минг машаққат билан экилган қўчатлар ё ортиқча намлиқдан ё тупроқнинг шўрқоқлигидан қуриб қолаверарди. Бу тўқайзор аввал бошда ёшгина келинчақ Фазилатни бироз қўчтиди: — Адаси, жуда мушкул ишга бел боғласяпти. Ишқилиб, ҳаракатингиз зоё кетмаса эди.

Аммо Тўрақул ортга чекинмади. Унинг шикоятчи табиатининг қаҳрини сийдириди. — Чумчудан қўрққан

тариқ экмайди, хотин. Хали кўрасан, ўзимиз яратган божимизнинг ҳосили мўл, меваси ширин бўлади...

Шундай бўлди ҳам. Қирқ йиллик заҳматли меҳнат ўз меvasини берди. Хали мактаб, хали дала. 80-йиллардан бошлаб ўзини бутунлай ер ишига бағишлаган тиниб-тинчимас уста боғбон ва дехқоннинг фарзандлари ҳам



БОҒБОН

изма-из улғайди, она заминга меҳр-муҳаббат туғйуси етти ўғилга отанинг ишини давом эттиришларида муҳим оинил бўлди. Шу пайтгача гиёҳ унмаган ерда полз экинлари ҳосил берди. Мевазор гурқираб, марвариддек терилган узум ғужумлари дастурхонини яшнатди. Чорбоғдан чиққан ем-хашак билан 5-10 бош қорамол, кўра тўла қўй-қўзилар боқилди. Энди озик-овқат маҳсулотлари деярли ўзларидан чиқадиغان бўлди.

— Бобоназар, Маманазар ўғилларим асли ҳосилот, Чоривой эса ҳисобчи, Абдурашид иқтисодчи, ҳозир пахтачилик билан шугулланишди, ҳаммаси фермер, — дейди ота фахр билан. — Жуманазарим боғдорчиликка меҳр қўйди. Маҳтумқули тадбиркор, ўз тегирмони, чойхонаси бор. Кенжамиз Орифжон бор. Санаатга кўнгли берди, қўшқилари элга манзур бўлаётганидан хурсандман. Уни «Бўқанинг бўлбули» дейишди. Қизларим ҳам оналари Фазилатхон каби меҳнаткаш, бир оиланинг бекаси...

Шундай деди-ю, отанинг кўзларига ғам чўкди. Яқин

жа келин Ҳалимаҳон, — Ҳақиқатан ҳам, бу пиру бадавлат хонадон аҳлининг аҳиллиги, фарзандларнинг қомиллиги, оқибатлилиги ҳавас қилгулик. Ҳар бир ўғилнинг ўз ҳаёт фалсафаси бор, фикрлари теран, мушоҳадаси кенг. Айниқса, меҳнатсевар, ҳаракатчан набираларга боқиб, беихтиёр «Кўш уасида кўрганини қилар экан-да» дейсиз.

Отанинг тўнғичи Бобоназар Қарши чўлларини ўзлаштиришда ҳам қатнашганлиги, ҳозир 20 гектар ерга пахта экиб, «Бобоназар-Эркин» фермер ҳўжалигини бошқараётганлиги ҳақида гўрурланиб сўзлайди.

— Менинг фермер ҳўжалигим «Омон-Тўра» деб номланади, — дейди иккинчи ўғил Маманазар Тўрақулов. — Эллик гектар ерда пахта етиштирамиз. Акам каби менинг ҳам беш ўғлим бор. Улар ҳам дехқончиликнинг нонини қадрлайдиган бўлиб қолишди. Ҳадемай менинг изимни босишларига ишончим қомил.

«Омон-Боқи» фермер ҳўжалиги раиси Абдурашид Омонов эса мустақиллик ша-рофати билан берилган



да оғир хасталик туфайли бир қизлари вафот этган экан...

— Э, болам, бу бошлар нималарни кўрмади дейсиз, — дейди Фазилат момо ўқиб. — Фарзандларимнинг ўзимиз сингари меҳнаткаш, мўмин-қобил бўлиб етишганларига шукр қиламан. Аммо не қилай, қизларимнинг қаттаси бу оламни тарк этди...

Отахоннинг айтишича, Фазилат ая ҳам эри билан баравар меҳнат қилган, хатто қўли ёрийдиган қунари ҳам дала ишлари билан банд бўлган экан.

— Меҳнатдан одам ўлмас экан, — дейди момо, — кишини ғам қаритар экан...

Момонинг ўғитлари етти келин учун қатта сабоқ. Уни оғринмай тинглайдилар.

— Ахир, шундай фарзандларни тарбиялаб қатта қилишнинг ўзи бўлмайди. Кези келганда, ғам-қайғудан қадди бўкилган онага мадад, дардига ма-лҳам бўлиш ҳам келинлик бурчимиз, — дейди юзи-дан нур ёғилиб турган кен-

ерга эғалик қилиш имкони-ятини алоҳида қадрлайдиган, фермерларнинг ютук ва муаммолари ҳақида теран фикрлайдиган ҳақиқий иқтисодчи, етук мутахассис.

Биз учун отамизнинг ҳаёт йўли қатта ибрат, — дейди у. — Ҳаммамизнинг суғуниш меҳнатда қотди. Мана, шу сиз қўриб турган бепоев пахтазорлар, бугдойзор, боғ-роғлар Омон Тўрақуловлар сулоласи меҳнати билан бунёд этилганлиги қалбимга гурур ва фахр бағишлайди. Истиқлол туфайли мустақил ҳўжалик юритиш имкониятига эга бўлди. Мен чет элларда, айниқса, Польшада кўрганларимни тез-тез хотирлайман. Бизнинг серкўёш Ўзбекистонимиздек жаннат улқа йўқ. Муҳими, унинг қадрига эғиб, фаровон турмуш учун ўзимиз ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун имкони-ят, шарт-шароит етарли. Бу йилги пахта ҳосили айниқса, мўл бўлди. 20 миллион сўм даромад билан чиқдик. Демак, келажакка умид, ишонч бор. Фарзандлари-

миз бизданда ақлли, бизданда бахтли бўлиши учун шароит яратиб бериш қўлимиздан келади.

Учинчи ўғил, «Соҳибкор» фермер ҳўжалиги раиси, боғбон Жуманазар Омонов отасининг соҳибкорлик ҳислатини оддон эгаллаган.

— Болаликдан отамизнинг ортида кетмон кўтариб юриб, боғдорчилик силарини ўрганиб воёга етдим, — дейди у. — Ўсимда, ҳали бу ерларда ҳеч ким тоқ экмаган экан деган эдилар бир кунни отам. Ҳозир қишлоқда узуми йўқ хонадон қолмади. Қўллар тоқни парвариш қилишни отамиздан ўрганган десам лоф бўлмас. Лекин дехқончилик, боғдорчиликнинг сир-асрори кўп. Уларни эринмай ўрганиб бориш керак. Бунинг учун кўп китоб ўқиш, хатто чет эллик боғбонларнинг тажрибасини ўрганиш зарар қилмайди. Ишга берилиб кетиб, олий маълумот ололдим. Лекин боғ яратишнинг турфа йўлларины институт олимларидан сўраб ўрганган. Ҳар бир дарахтни экиш қоидаларига амал қилиб, ёнғоқзор ҳам яратдим. Тажриба шуни кўрсатдики, ёнғоқ суви меъёридан камроқ талаб қилган экан. Демак, ҳали ўқиб ўрганганимни жиятлар кўп. Фарзандларимнинг ҳам ўқимлиги бўлишини, китобни севишини истаيمان. Айтишларича, Голландияда бошқа маҳсулотларга қараганда гўл ва китобга эринмай навбат қўтишар экан. Қани энди бизда ҳам шундай бўлса. Тошкентга тушсам, китоб дўкони-лария гўл расталарини қўриб, завқиланг кетаман. Бизнинг Қашқадарё қишлоғида ҳам вақт келиб шундай бўлишига ишончим қомил.

Фарзандларимни қишлоқ ҳўжалик олий илмгоҳида ўқитмоқчиман.

Эҳ-хе, бу орзули дунёда ҳар кимнинг эзгу тилаклари кўп. Ахир, Тўрақул ота яратган боғ, барпо этган қишлоқ ана шу эзгуликнинг самараси эмасми? Ҳар кунни ҳар бир ўғилнинг эзгу меҳмони, ўзи яратган бонинг мева-ларидан баҳраманд бўлаётган отанинг ҳам армонлари бор-микан?

Ота билан кечган узоқ суҳбатимиз давомида бирор марта у ёки бу нарсадан нолиганини эшитмадик. Аксинча, бугунги шароити имкониятлар ҳақида завқиланб сўзлайди:

— Аслида шундай қунларни кўриш насиб этганлигига шукр қилиш керак. Дастурхонимизда егулик, усти-мизда кийим-бош, яшаш учун бошлана, суяниш учун эркин озод Ватанимиз бор, тинч-осуца ҳаёт кечираймиз. Айримлар бирда-иккида но-либ қолишди. Лекин ҳар нарсанинг жавоби, ҳар жойнинг тош-тўразуви бор. Шу ёшга келиб, ўз қоримга яра-япман, боғдаги юмушларга қувватим-етиб турибди. Атрофимда яқинларим парво-на. Бундан ортиқ тўқиб ҳаёт бўлмаса керак. Илоҳим юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин.

Абдусамад Йўлдошев, Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" номи билан аталган 2006 йил тарих саҳифаларидан жой олди. Бу йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз ижод аҳли халқимиз эришаётган ютуқларни, ўй-мақсадларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб боришда, Табиийки, бу ишлар газета ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатувлар ва радиоиштитиришларда, янги-янги чиққан китоблар саҳифаларида ўз аксини топди.

ОАВда меҳнат қилаётган азиз ҳамкасблар, жамоатчи муҳбирлар, сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти - 2006" танловига тақдир

этамиз. Танловга 2006 йилда эълон қилинган ижодий ишлар ҳавола этилади.

Ғолиблар аънавий касб байрамимиз - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун - 2007 йил 27 июнь арафасида аниқланиб, рўйхати матбуотда эълон қилинади. Ғолиблар мукофотлар билан тақдирланадилар.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар таҳририят тасвйиси билан Ижодий уюшманинг

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони ва манзили ҳақидаги маълумот ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

Материаллар қуйдаги манзилга юборилди:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-ўй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-, 37-қаватлар.
Телефонлар: 144-64-62, 144-64-61, 144-37-87. Факс: 144-69-65.
E-mail: ljod@sarkor.uz www.Journalist.uz

Ўйлаб ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР КҮНГИЛ

Турли давралардаги суҳбатлар чоғида гап-сўз айланиб бориб, кўпинча одамгарчилик, инсоний муносабатларга тақалади. Бу — табиий, зеро ҳаётнинг асосини шулар ташкил этади. Инсоний муомала, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат-этибор дунёни тўтиб турувчи қудратли устунлардир. Бу фазилатларнинг уй-ғулини ҳаётни жаннатга айлантиради. Одам боласи улардан айрилдими, дўзахни шу дунёдаёқ кўрдим деяверинг.

«КЎРПАМГА ҚАРАБ ОЁҚ УЗАТАМАН»

Раҳимжон билан ҳолава-чамиз. Болаликдан дўппослашиб, ўйноқлашиб катта бўлганимиз. Учрашсак, гапимиз тугамасди. Мана бугун ҳам тўғайда кўришиб қолгун, қуданинг хонадонига бориб келгунча, мириқиб суҳбат-лашдик.

— Раҳимжон, бугун дам олиш кўни, бир айлантириб, томоша қилдириб келаман, — дедим хайрлашиб пайти кўлимини елкасига қўйиб.

— Қаёққа борамиз? — сўради у оғоҳ тортиб.

— Юрарев, хурсанд бўласан.

— Хар қалай, қаёққа боришни билиши керак-ку киши.

— Ҳабибулла акани бир қўриб келамиз. Қўлдан бери бу томонларга келмай қўйганлар...

— Бормайман, оғайни, — деди Раҳимжон елка силкиб.

— Уэр.

Унинг кайфияти кескин ўзгарди. Чекрасидаги кулгига мойил доимги майинлик ўрнини совуқ, тунд бир қўрға эгаллади. Бу ўзгаришни пайкамагандек бўлиб:

— Юракол, оғайни, — дедим. — Кекса одам, эриқиб ўтиргандирлар. Кўрсалар — қувонадилар.

— Йўқ, бундай бўлмайди.

БИР ОФИЗ СЎЗ

Ишга янги келган кезларим. Ҳадик, ишонсизлик ичтимни ўртарди. Йиғилишларда, йўлакда, бирор киши мундайроқ тикилиб қолса ҳам вужудим зириллаб кетарди.

Нусха кўчириш хонасидан қўлэмалари олиб келаётсам, муҳаррир йўлакда тўхта-тиб:

— Қани, бу ёққа юринг-чи, — деб, хонасига бошлади.

— Мана бунни яхшилаб ўқиб чикинг, — деди қалингина бир журнални иш столидан олиб, менга узатар экан. — Эрта-индин, дам олиш кўнларингиз, белгиланган мақолаи ўғириб, душанба кўнига тайёрлаб келинг. Нихоятда қизқарли экан, газетанинг уч-тўрт сониди эълон қиламиз.

Муҳаррир гапиряпти-ку, лекин вужуд-вужудимни титроқ босиб, совуқ тер чиқиб бораёяпти. «Томон, — деб ўйладим ўзимча. — Этакни қоқавэр». Чўчки, хали таржима иши билан мутлақо шуғулланмаганимдан, кўнкимам йўқ эди. Бироқ, муҳаррирга ҳеч нима дейлмадим. Чўчки, у менга ишонч билан гапиряётганини, топиригини уйдалай олиш-олмаслигим ҳаёлига ҳам келмаётганлигини сезиб турардим. Шу сабаб, барча тахлилларим, дардим ичимда қолаверди.

Хонада журнални варақлаб, белгиланган саҳифани очдим. Ўзбек тилига ўғириш керак бўлган нарсаяхонга таниқли балет раққосасининг ўз утаси — электр энергетикаси соҳасида таниқли олим, йирик жамоат ва давлат арбоби ҳақидаги эссеи экан. Иш кўни тугагунча, уни қайта-қайта ўқидим. Ўзим ҳам сезмаган ҳолда саҳифаларнинг ҳошияларига ёза бошлабман. Кечки пайт кўрсам, журнални хийла «бе-заб» қўйибман.

Хуллас, шанба ҳам, якшанба ҳам мукка тушиб ишладим. Бир жумлани ўқийман, русча-ўзбекча лўғатларни титқилайман, керакли сузларни излайман. Якшанбага ўтар кечаси, ярим тунда ёзиб-ўчириб ўтирсам, хона эшиги очилиб, ойим кириб келдилар, ахволимни кўриб:

— Вой, менингани бунчалик гафлат босмаса! — дедилар ташвишланиб. — Қўзларингиз кизариб, ковокларингиз осилиб кетибди-ку? Ишлаш ҳам шунчалик бўладими?

— Топширик, — дедим чарчаган, лекин катий оҳанда.

— деди Раҳимжон ўзига хос бўлмаган каттият билан. — Ҳабибулла ака одам ажратадилар. У кишини яхши биламан, мени ёқтирмайдилар.

Хайрон бўлдим. Бир мунча пайт иккимиз ҳам сўхута қолдик.

— Катта ўғилларини уйлантираётганларида бориб, кўп ўсал бўлганман, — гап бошлади ниҳоят Раҳимжон.

— Ҳасасакшлар қаторида ўтириб қолдим. Келди-кетди тугаб, бир пайт Ҳабибулла ака: «Қани, Обиджон ака, Раҳматжон... ичқарига» деб, то менга ҳаммани номман атаб, ҳовлига тақлиф қилдилар. Менга назар ҳам ташламадилар. Бундоқ қарасам, номларини атаган ҳамма одамлар — ўқиган, амалдор, казо-казолар экан. Боядан буюн сезмабман, мен — бир оддий бобгон улар қаторида туриб қолган эканман. Ўша-ўша кўрпамга қараб, оёқ узатаман...

Раҳимжон жим бўлиб қолди. Қўзлари жовдираб, узок-узокларга тикилганича турарди. Киприклари қилт этмасди. Фақат лаблари учиб-учиб қўярди. Гўёки ҳозир ўша эски ўқинч ичтимни тимдалаётганди.

— Иш душанба кўнига битиши керак.

— Мен ҳозир...

Шундай деганча, ойим тезгина чиқиб кетди. Ишимни давом эттирдим. Бир пайт чўйнак-пиёла кўтариб келдилар. Уларни хонтахтанинг четига қўйиб, яна чиқиб кетдилар. Таксимча тўла новвот, майиз, чақилган ёнғоқ келтирилдилар.

— Бир фурсат дам ол, чойдан ич. Ишинг қочмайди.

Ниҳоят, душанбага ўтар кечаси, тонгга яқин ўзбек тилига ўғирилган эссеи бир бошдан оққа кўчириб, тахлаб, папкага солиб қўйдим. Лекин уйқум келмади, тонггача бор айланиб, тоқор оралаб юрдим. Эрта билан барвақт ишга отландим. Йўл-йўлакай китоб дўкончасидан ўша журналдан битта олиб, ишхонага кириб бораётсам, муҳаррир машинаси дарвоза ёнига келиб тўхтади. Саломлашгач, беҳтиёр журнални узатибман. Таҳи бузилмаганини кўриб, муҳаррирининг қўшлари чимирилди:

— Нима, бўлмади?

Папкани очиб, шу жойдаёқ қўлэмани топиришимга тўғри келди. Уларни қўлда тутганича, муҳаррир шад билан ичкарига йўл олди. Беҳтиёр мен ҳам эргашиб, унинг хонасига кирдим. Текис, донда-донча қўлиб ёзилган саҳифаларни варақлаб, муҳаррир яна ҳозиргина стол устига қўйган, таҳи бузилмаган журналга назар қўйди-да, менга савол назаари билан тикилиб қолди.

Жума кўни муҳаррир менга топириган журнал нусхасини папкадан олиб кўрсатишга мажбур бўлдим. Ёзиб-чиқиб ташланган, баъзи саҳифалар йиртилиб кетган журнални бир варақлаб чиқиб, муҳаррирининг чекраси ёришиб кетди.

— Яшанг, ука, — деди уни менга қайтариб бераётиб. — Бокса, одам бўласиз.

Муҳаррир котибани чақирди:

— Мана бунни Манзура опангизга олиб бориб бери, тез қўчирилар... — деди. — Бугунги сонга қўямиз.

Муҳаррир ҳузуридан кўнглим ёришиб қичдим. Хонага киргач, титилиб кетган журнални авайлаб папкага жойладим. Бу воқеага ҳам 40 йилдан ошди, лекин ўша журнал ҳамон китоб жавонимда туради.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

ФИЛЬМЛАР ТАҚДИМОТИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кино санъатини ривожлантириш борасида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилди. «Қорақалпоқ-фильм» киностудияси ижодкорлари томонидан яратилган янги фильмларнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Унда шоир ва ёзувчилар, олимлар, маданият ва санъат арбоблари, кино санъати ихлосмандлари иштирок эттиди. Ёзувчи Алтисбой Султонов асарига асосида режиссёр Тўрағулоев Калимбетов яратган «Қўқараш», Муротбой Низонов сценарийи асосида режиссёр Давлатбой Абдумуратов суратга олган «Қорақалпоқ тарихи», шунингдек, режиссёр Даврон Абдуллаевнинг «Остонадан бошланар Ватан» деб номланган янги фильмлари намойиш этилди.

Мазкур янги киноасарларда қорақалпоқ элининг тарихи ва бугунги кўни, турмуш тарзи, урф-одатлари, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ва халқимиз дунёқарашига юз бераётган ўзгаришларни ифодалашга ҳаракат қилинган.


Ў.А.



Кумуш кишининг зийнати.

Даврон АХМАД сурат-лавҳаси.

Сканвора



• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •



ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Зангиота туманида замон талабига мос янги спорт мажмуаси ишга тушди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали мутахассислари назоратида бўлган бу спорт мажмуасини барпо этишга 160 миллион сўм сарф этилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда болалар спортининг кўпгина турлари бўйича беллашди.

Тадбир сўнгда кам таъминланган оила фарзандларига спорт кийимлари совға қилинди.

Отаёр ТОҒАЕВ.

СУРАТЛАРДА: Тадбирдан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Янги китоблар



МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Бугунги кунда мустақил ривожланиш таҳрибаларининг тўпланиши, ҳаёт ва турмуш талабларининг мураккаблашиши натижасида тарбия масалалари чуқурроқ ва кенг маъно касб этмокда. Бу таълим ва тарбиянинг фан сифатида янги ҳаётда асосида ўрганилиши ва педагогик туркум фанлар доирасида янги дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар яратилишига туртки бўлмокда.

Тадқиқотчи-олимлардан Ж. Ҳасанбоев, Х. Сариев, С. Ниёзов, О. Ҳасанбоев, М. Усмоновева томонидан ҳаммуаллифликда яратилган «Педагогика» ўқув қўлланмаси шундай изиланишлар самарасидир. У педагогика олий ўқув юртинининг талабалари, педагогика лицейлари ва коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган.

Қўлланма Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, олий ва ўрта махсус, касб-хўнлар таълимининг ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги ишхоналарни амалга оширишда, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашда, ўқитувчи ва мураббийлар-

нинг назарий билимларини такомиллаштиришда, педагогик жараён қатнашчилари, алоқадор шахсларни ҳамда ота-оналарни керакли билим, кўникма ва малакалар билан қўроллантиришда фойдалилиги билан қимматлидир. Китобнинг ижобий томони шундаки, унда шахсни қамол топтиришда тарбия, ривожланиш, фаолиятнинг ўзаро боғлиқлиги кенг ёритилган.

Тарбия ишларини тўғри олиб бориш учун уни илмий жиҳатдан ўрганиш, қўнуниятларни ва принципларини билиш талаб этилади. Шу мақсадда тарбия жараёнининг мураккаб ва соддароқ кўри-нишдаги таърифлари, тар-

биявий фаолиятининг мақсади ва вазифалари, тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари чизмаларда, мисоллар орқали ўқувчилар ёшига мос ҳолда таърифланган.

Муаллифлар бу ишга хос тўртта қўнуниятни қайд этиб, уларни таърифлаб, шу вақтгача мавжуд бўлган дарсликларимиз камчилигини тўлдир-ишга ҳаракат қилишган. Ҳозирги кунда тарбия жараёнига қўйилаётган талабларни ўзда мужассам эттирувчи принциплар, тарбия методлари ва воситалари ҳақидаги маълумотлар ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Ибодулло УЗОҚОВ,
Низомий номидаги
Тошкент давлат
педагогика
университетининг
катта ўқитувчиси.
Машқура
МУҲАММАДИЕВА,
коллеж ўқитувчиси.

Жажжи воқеалар

НОЗИКОЙИМ — НОКОЙИМ

Дунёда энг нозик дархат нима деб сўрашса — мен «нок» дейман. Уни ўстириб олгунча, она сунтигиз оғзингизга келади. Биз ҳам ҳовлимизда нок ўстирмоқчи бўлдик. Кўчатни олиб келиб эқдик, сув қуйдик. Амал олишга олди-ю, лекин ниҳоятда нозик, инжиқ бўлиб ўсди. Каттагина бўлиб, бир-икки мева ҳам қилган бўлди, аммо ҳашарот босиб, меваси хол-хол бўлиб, танаси қорайиб, тўкилиб кетди. Уни сақлаб қолиш учун қилмаган чорамиз қолмади: кул сепдик, дорилардик, тагини чопдик, тўйдириб-тўйдириб сугордик. Бўлмади, барча меҳнатимиз зое кетди — нокимиз қуриди-қолди.

Ха, нок шунақа нозик дархат, аммо ўзим ҳам шунинг-да, қурмагур...

НОШУД ОНА

Хурмо ўстириш кейинги йилларда Тошкентда

ҳам расм бўлиб борапти. Унинг бир түпи бизнинг ҳовлимизда ҳам ўсади. У ҳар йили баҳорда шигил-шигил мева тугади. Аммо, мевалари энди данакдай бўлганда уларни шунақангиз тўқадики. Хар бири келажакда ширин хурмо бўладиган қўм-қўм мевалар орқа гул барглари билан худди парашутида тушгандай тўкилавериб, ер билан битта бўлади.

Мен норасида кетган хурмо меваларига ачиниб, дархатга ичимда:

— Э, ношуд она, бу меваларни шу хилда — гудаклигида нобуд қилар экансан, уларни нега тўдинг? — дедим келди.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ.

«Паркент» асаларичилик жамоа хўжалиги тугатилиши муносабати билан қайта кимошди савдоси ўтказилади.

Савдога қуйидаги кўчмас мулк ва техника васиталари қўйилган.

1. Цех бостирма биноси — 1991 йилда қурилган. Бошланғич нархи — 4680889 сўм.

2. 2-қаватли қоровулхона биноси — 1991 йилда қурилган. Бошланғич нархи — 759584 сўм.

3. УАЗ-452Д автомашинаси (соз) — 1984 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 524183 сўм.

4. ГАЗ-53 автомашинаси (носоз) — 1984 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 649865 сўм.

Кимошди савдолари аризалар тушишига қараб ҳафтаининг сешанба ва жума кўнлари соат 10.00 да хўжалик маъмурий биносидан ўтказилади.

«Паркент» асаларичилик жамоа хўжалиги КТЭК. Паркент туманининг «Пахтабанк» бўлими, ИНН 200574752, МФО 00482, 20208000000133431001 хисоб рақами.

Мурожаат учун телефон: (272) 22-230.

ЕР СИЛКИНДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди 8 январь кўни соат 22 дан 22 дақиқа ўтганда ер силкинди. «Тошкент» марказий сейсмик станциясидан олинган маълумотларга қараганда, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 3-5 баллга тенг бўлган. Зилзила маркази Тошкент шаҳридан 190 километр узоқликда, жануби-шарқий йўналишда, Тожикистон Республикасининг Исфара шаҳри ҳудудиди (7 балл) бўлган.

Ўзбекистон ҳудудиди қурбонлар ва вайронгарчиликлар йўқ.

Ў.А.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2006 йил 29 ноябрь 96-сониди берилган эълонга асосан, тендер жадвалидаги йўналишли такси йўналишларнинг охириги тўхташ бека-ти Тошкент шаҳрида бўлганлиги ва бекатларнинг номлари ўзгарганлиги сабабли 480-сонли й.т. «Бўзсув ш.х. — Фарҳод бозори» ва 447-сонли й.т. «Бўзсув 2-бўлим — 16 шифохона» деб ўқилсин.

Бундан ташқари 2007 йил 26 январь кўни бўлиб ўтадиган очик тендер жадвалига киритилган 473 а-сонли «Тўзтор-Беруний» йўналишли такси йўналишида ҳозирги кунда фаолият юритмаётганлиги ва йўналиш паспорти йўқлиги ҳамда 474-сонли «Оқтом 30-мактаб — Беруний» йўналиш-ли такси йўналишини параллел такрорлаётганлиги сабабли 473 а-сонли «Тўзтор-Беруний» йўналишли такси йўналиши бе-кор қилинади ва ушбу йўналиш бўйича тендер ўтказилмайди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бўлими.

Пскент тумани Муротали қишлоғида яшовчи Баҳром Йўлдошевга тегишли 138243 рақамли «МТЗ-80» тракторининг двигател рақами Д-240, 213, Уз № 002834 рақамли техник паспорти йўқолган. Топ-ганларни муқофот эвазига қайтаришлари-ни сўраймиз.

Ўзбекистон-Корея «MULTILOT» қўшма корхонаси устав жамғармасини 5 239 750 АҚШ долларидан 200 000 АҚШ долларига ўзгартиратганлигини маълум қилади. Кредиторлар Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли, 24-уй манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамо-аси вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзовга падали буз-руквори

КЎЧҚОР отанинг муносабати билан чуқур ҳам-дардик издор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.